

**PhD O.C.Қаҳҳоров**

*Бухоро давлат университети*

## **РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ БАНДЛИГИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Аннотация.* Мақолада таълим тизимида таълим сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш, олий таълимда кескин сифат ўзгаришларини ва битирувчиларнинг иш билан бандлиги кўрсаткичларини ошириб бориш, бунда бандлик мониторинги сифатини ошириш ва битирувчиларнинг меҳнат фаолиятидаги хизмат пиллапояларидаги муваффақиятли одимларини қайд қилиб бориш имкониятларини берувчи рақамли технологиялардан фойдаланиш заруратини юзага келиши ва уни мониторинг қилиш келажакда самара бериши ҳақида айтиб ўтилган. Таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги кўрсаткичини белгиловчи асосий омиллардан бири уларнинг ишга жойлашиши даражаси ва меҳнат фаолиятидаги муваффақияти каби кўрсаткичларда намоён бўлиши таъкидланган.

*Калит сўзлар:* рақамли иқтисодиёт, битирувчилар бандлиги, мониторинг системаси, меҳнат фаолияти, олий таълим тизими, замонавий ахборот технологиялари, учинчи Ренессанс даври.

## **ПЕРСПЕКТИВЫ МОНИТОРИНГА ТРУДОУСТРОЙСТВА ВЫПУСКНИКОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

*Аннотация.* В статье разбирается о необходимости использования цифровых технологий, обеспечивающих возможности повышения качества образования в системе образования и повышения эффективности управления конкурентоспособным процессом подготовки кадров, внесения кардинальных качественных изменений в высшее образование и повышения показателей трудоустройства выпускников, повышения качества мониторинга занятости в высшем образовании и других организациях. Было отмечено, что одним из основных факторов, определяющих конкурентоспособность выпускников учебных заведений, является их уровень трудоустройства и успешность трудоустройства.

*Ключевые слова:* цифровая экономика, трудоустройство выпускников, система мониторинга, трудовая деятельность, система высшего образования, современные информационные технологии, третий период Ренессанса.

## **PROSPECTS FOR MONITORING THE EMPLOYMENT OF GRADUATES OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES**

***Annotation.** In the article the authors stated about the need to use digital technologies that provide opportunities to improve the quality of education in the educational system and improve the effective management of competitive personnel training process, to make drastic quality changes in higher education and increase the indicators of employment of graduates, improving the quality of employment monitoring in higher education and other organizations. It was noted that one of the main factors determining the competitiveness of graduates of educational institutions is their level of employment and success in employment.*

***Keywords:** digital economy, graduate employment, monitoring system, labor activity, higher education system, modern information technology, the third Renaissance period.*

*Иқтисодиётнинг барча соҳаларини  
рақамли технологиялар асосида янгилашни  
назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт  
миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак.  
Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030”  
дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур.  
**Ш.М. Мирзиёев***

***Кириш.** Илм-фан ривожланган, рақамли иқтисодиёт амалиётга кенг кириб бораётган, ахборот технологиялари барча соҳани буткул қамраб олган даврда Ўзбекистон янги бир уйғониш даврига пойдевор яратмоқда. Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида «Халқимизнинг улуғвор кудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айна ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас» деб алоҳида таъкидлади [2]. Дарҳақиқат, шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари ўзини барча соҳаларда намоён этмоқда. Айниқса таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўнлаб муҳим фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани бизга яхши маълум.*

**Адабиётлар шарҳи** Мана, кунни кеча тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги қонун ушбу давр тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Қонунга мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди. Натижада кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг асосий мақсадлари белгилаб олинди.

Мамлакатимизда 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили дея номланиши республикамизда рақамли иқтисодиётга ўтиш ва ахборот технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат беради. Албатта бу халқимиз манфаати йўлидаги янги бир давр учун ижобий инқилобий бурилишдир.

Айниқса, бугунги кунда рақамли билим ва замонавий ахборот технологиялари тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Рақамли технологиялар эса давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириб, ижтимоий соҳада катта қулайлик яратади. Бундан ташқари, иқтисодий ўсишга замин яратиб, маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Яна бир муҳим афзаллиги – коррупцияга чек қўяди. Мамлакатимизни янада ривожлантириш, юқори технологияли иқтисодиётни шакллантириш, саноат тармоқлари, кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш фуқаролар салоҳиятини рўёбга чиқаришда янги имкониятларни тақдим этади. Бу эса биз юқорида таъкид этганимиз барқарорлик ва тараққиётимизда янги тарихий давр – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилишига асос бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш – олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир» деб таъкидлагани бежизга эмас [1]. Шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш энг устувор вазифа сифатида кўрсатилган эди. Бу борада “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ва ҳаёт сифатининг барқарор яхшиланишини таъминлаш борасида ҳамда рақамлаштириш бўйича ислоҳотларни амалга оширишда кенг қамровли давлат дастурлари қабул қилиндики, жумладан, барча жабҳаларда ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш, электрон тизимларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб олинди. “Рақамли иқтисодиёт”ни ривожлантириш учун

кулай муҳит яратилди. Биз биламизки, рақамли иқтисодиёт – рақамли технологияларга асосланган фаолият бўлиб, иқтисодиёт тармоқларда бундай технологияларни ривожлантириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг рақобатбардошлигига, ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши, янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Қарда “Рақамли иқтисодиёт” ва “Электрон ҳукумат”га ўтилган бўлса, одамларнинг оғири енгил бўлаётгани, давлатнинг сарф-харажатлари тежалаётгани, коррупциянинг олди олинаётгани яққол намоён бўлмоқда.

Яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур, рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ҳамда устувор аҳамиятга эга бўлиб, бунда илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқлар равнақ топади. Олий таълим ҳам бундан мустасно эмас. Рақамли технологияни олий таълим тизимидаги тадбиғини амалда изоҳлаймиз. Масалан, бозор иқтисодиёти қонунлари - ўқув дастурларини тайёрлашдан бошлаб то маълум бир соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаб етиштиргунигача қадар, яъни, умуман бутун таълим тизими учун ўзининг талабларини белгилаб беради. Давлат ва жамият, шунингдек, ижтимоий соҳа бошқарувида ҳам бозор талабларини реал ўрганиб, яъни, маркетингли бошқарув тамойилларига асосланган ҳолда ислохотлар изчиллигини таъминлаш ва амалга ошириш мумкин. Ривожланган бозор шароитида маркетинг товар ва хизматларнинг сифат ва рақобатбардошлик масаласини самарали ҳал қилувчи воситага айланади. Республикада юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида меҳнат бозорини рақамли технологиялар асосида шакллантиришда мутахассисларни тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлик жараёнининг давлат томонидан бошқаруви алоҳида аҳамият касб этади [6].

**Таҳлил ва натижалар.** Таълим тизимида таълим сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш, олий таълимда кескин сифат ўзгаришларини ва битирувчиларнинг иш билан бандлиги кўрсаткичларини ошириб бориш, бунда бандлик мониторинги сифатини ошириш ва битирувчиларнинг меҳнат фаолиятидаги хизмат пиллапояларидаги муваффақиятли одимларини қайд қилиб бориш имкониятларини берувчи рақамли технологиялардан фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мана яқинда юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида кўпгина муҳим масалалар қаторида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Ўз нутқида “Ёшлар ҳуқуқи деганда, биз, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунамиз. Шу боис, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукаммал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамisha устувор вазифа ҳисобланади” дея Ўзбекистон ёшларига яратилаётган имкониятлари ҳақида ишонч билдирди.

Бу эса таълим сифатини ошириш ва кадрлар рақобатдошлигини таъминлашда биринчи даражали долзарб масала, бу соҳа мутахассисларини етук қилиб тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Таълимда мавжуд ҳар қандай босқичларнинг асосий мақсади рақобатбардош ёш мутахассисларни мукамал ва сифатли тайёрлаш ҳамда хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган.

Аммо, ҳозирги кунда таълимни ташкил этишнинг энг яхши тизимини белгилаш учун сифатли бошқаришнинг амалиётда синовдан ўтган усулларини қўллаш жараёни долзарб бўлиб қолмоқда. Таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги кўрсаткичини белгиловчи асосий омиллардан бири уларнинг ишга жойлашиш даражаси ва меҳнат фаолиятидаги муваффақиятидир.

Хўш, ҳозирги кунда ёшларнинг бандлиги ёки уларнинг меҳнат фаолияти самарадорлиги қандай назорат қилинмоқда? Уларнинг ишга жойлашувига ҳар доим ҳам ўз вақтида ёрдам бериляптими? Уларнинг бандлиги ҳолати мониторинги қандай амалга оширилмоқда? Бандлик мониторинги шаффоф ўтказилмоқдами? Бу каби саволларга жавоб излаш учун олиб бораётган ўрганишларимиз ва тадқиқотларимиз билан ўртоқлашмоқчи бўлдик.

Олий таълим муассасалари мисолида олиб қарасак, кадрлар буюртмачиларининг олий таълим муассасалари битирувчиларига бўлган талабини қондиришда, шунингдек, ҳудудий меҳнат бозорида вилоят (Бухоро вилояти) олий таълим муассасалари битирувчиларининг мослашуви ва ишга жойлашиши ҳамда уларнинг бандлиги кўрсаткичларини реал қайд этиш ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш имкониятларини яратиш долзарб масала ҳисобланади. Бошқа вилоятлардаги мазкур йўналишдаги ҳолат ҳам афсуски ҳудди шундай.

Бир неча йиллар давомида анаъанавий тарзда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлигини ўрганиш жараёни бир хил бўлиб, педагог-ходимлар томонидан битирувчининг иш жойига ёки яшаш манзилига ташриф буюрган ҳолда амалга оширилади. Ушбу турдаги ялпи мониторинглар натижасида расмийлаштирилган далолатномалар асосида статистик маълумотлар шакллантирилади ва давлат статистика қўмитаси маълумотлари ҳам шу асосда вужудга келади.

Хулоса қилиш мумкинки, анаъанавий усулда биринчидан, ўрганиш маълумотлари тўлиқ субъектив таъсир остида шаклланса, иккинчидан, бандлик мониторинги учун кетадиган моддий ва педагог-ходимларнинг вақти бўйича харажатларнинг ортиб бораётгани (Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган 4 та олий таълим муассасасининг 2018-2019 ўқув йили битирувчиларининг бандлик мониторинги натижасида педагог-ходимлар томонидан тахминан 160105.3 минг сўм сарфланган) эндиликда мазкур жараённи рақамлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.


Россия давлати тажрибасига таяниб, фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз. Россия Федерациясида фаолият кўрсатувчи барча олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлик ҳолатини мониторинг қилиш марказлашган ҳолда автоматлаштирилган тизим асосида амалга оширилади. Бунда битирувчиларнинг бандлик ҳолати кўрсаткичлари иккита алоҳида-алоҳида манбалардан олинган маълумотларни қайта ишлаш йўли билан аниқланади. Булар қуйидагилар:

1. Россия Федерациясининг пенсия жамғармаси маълумотлари.

2. Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг федерал реестри (ФРДО).

Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг федерал реестри – бу барча таълим муассасалари (жумладан, олий таълим муассасалари ҳам) томонидан битирувчиларга берилган таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (диплом, сертификат) маълумотларини уларни берилган вақтидан бошлаб 60 кун ичида таълим муассасаси томонидан киритилиши лозим бўлган ягона электрон реестр ҳисобланади.

Бу жараёнлар Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлигининг ташаббуси билан “Битирувчилар бандлигини мониторинг қилиш” интернет-порталида ёритилиб борилади ҳамда мониторинг натижаларини ҳам кузатиб бориш имконияти мавжуд бўлади. Бандлик мониторингини ўтказишнинг бош мақсади – бу битирувчиларнинг иш билан таъминланиши самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаб боришдан иборатдир.



*1-расм. Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлигининг “Битирувчилар бандлигини мониторинг қилиш” автоматлаштирилган портали орқали аниқланадиган ва таҳлил қилинадиган индикаторлар*

Келтирилган индикаторлар (кўрсаткичлар) таҳлили асосида бандлик мониторинги қуйидаги вазифаларни бажаришни қамраб олади:

- Россия Федерацияси Пенсия жамғармаси, Россия Федерациясининг таълим ва фан соҳасини назорат қилиш бўйича федерал хизмати ва таълим муассасалари томонидан тақдим этилган битирувчиларнинг ишга жойлашуви ҳолати тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш;

- Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими битирувчиларига меҳнат бозоридаги талабни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига битирувчиларни иш билан таъминлаш натижалари тўғрисида ишончли маълумотларни тақдим этиш. Автоматлаштирилган тизим орқали бандлик мониторингини амалга ошириш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:



2-расм. Таълим муассасалари битирувчилари бандлик мониторингини амалга ошириш босқичлари (Россия Федерацияси тажрибаси).

Россия Федерацияси таълим муассасалари битирувчилари бандлик мониторинги тўрт босқичда амалга оширилади. Россия тажрибаси – битирувчилар бандлик мониторингини кам харажат билан қисқа муддатларда ва йил давомида бир неча мартаба ўтказиш имкониятини берса-да, аммо айрим битирувчилар (жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва шунга ўхшаш органларда ишлаётган, оналик таътилида, муддатли ҳарбий хизматда бўлган, хорижда ишлаётган ёки ўқишини давом эттираётган битирувчилар) бўйича маълумот олишнинг имконияти яратилмаган. Чунки, маълумотлар битирувчи томонидан пенсия жамғармасига қилинадиган ажратмалар асосида аниқланади. Юқоридаги категориядаги битирувчилар томонидан эса ажратмалар ҳисобланмайди ва пенсия фондига кўчирилмайди. Ваҳоланки, мазкур гуруҳга кирадиган битирувчиларни ишсизлар категориясига киритиб ҳам бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат структурасидаги вазирлик, қўмита ва идоралар томонидан қўллаб-қувватланаётган турли даражадаги маълумотлар базалари, платформаларнинг такомиллашиб бориши билан, биринчидан, мазкур маълумотлар базалари (платформалар) маълумотларидан фойдаланган ҳолда бандлик мониторингини сифатли ўтказиш имкониятига эга бўлинса, иккинчидан, битирувчининг фақатгина бандлик ҳолатини аниқлашдан ташқари яна бир қатор турли таҳлиллар учун фойдали бўлган индикаторлар бўйича ҳам ўрганиш ва таҳлилларни олиб боришга имкониятлар яратилади.

Айни пайтда “Бухоро тажрибаси” сифатида Бухоро вилояти ҳокимлиги Ёшлар масалалари бўйича вилоят идоралараро Кенгаши қарори билан тасдиқланиб, Бухоро вилоят Ёшлар агентлиги ҳузурида “Ёшлар бандлигини таъминлаш маркази (“Call-centre”) фаолияти йўлга қўйилди. Бухоро давлат

университетининг бир қатор мутахассислари ҳамда вилоят Ёшлар агентлиги ҳамкорликда мазкур марказ учун Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг маълумотлар базалари билан интеграциялашган электрон платформани яратиш бўйича амалий ишлар олиб бормоқдалар.



3-расм. Ўзбекистон шароитида автоматлаштирилган ёшлар бандлиги мониторингини яратишда маълумотлар базаси интеграциялашуви

Расмда келтирилган давлат ташкилотлари маълумотлар базасидан фойдаланиш учун қуйидаги маълумотларни олиш мумкин:

- Ички ишлар вазирлиги - ёшларнинг паспорт маълумотлари ва идентификацияси шакллантирилади;
- Давлат статистика қўмитаси – иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари бўйича меҳнат ресурсларининг тақсимотини;
- Давлат солиқ қўмитаси – даромад солиғи ажратмалари бўйича маълумотларни (СТИР (ИНН) ва ЖБПЖ (ИНПС) бўйича);
- Молия Вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси – иш ҳақи фондидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларига ажратмаларни;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – битирувчига берилган таълим ҳужжати ҳақидаги маълумотларни ва идентификациясини;
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги – ишсиз сифатида рўйхатга олинган битирувчилар тўғрисидаги маълумотларни;
- Давлат божхона қўмитаси – республикадан чиқиш ва кириш бўйича тегишли маълумотларни;
- Маҳалла ва оила вазирлиги – бола парваришида, мууддатли ҳарбий хизматда ёки хорижга чиқиб кетган битирувчилар бўйича маълумотларни қайта ишлаш, интеграциялаш орқали яхлит ва ишончли маълумотларни олиш имконияти пайдо бўлади.

**Хулоса.** Ёшлар сиёсатини амалга оширишда, уларнинг бандлигини таъминлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш учун биринчи навбатда индивидуал тарзда уларнинг бандлиги кўрсаткичларини реал аниқлаб олиш, яъни бандлик мониторинги бўйича аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим.

Бухоро тажрибаси сифатида яратилаётган мазкур платформа ушбу соҳаларни ҳам ўз ичига олади. Дастурий таъминотда вилоятдаги бутун ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва мониторингини юритиш бўйича қамраб олиниши назарда тутилган бўлиб, бунда умумтаълим мактаблари, коллеж, академик лицей, техникум ва олий таълим муассасалари, жумладан уюшмаган ёшлар, ички ишлар органлари рўйхатида турувчи, тарбияси оғир, ижтимоий муҳофазага муҳтож, ногирон ва имконияти чекланган ёшларнинг ҳам қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, битирувчилар ахборот базалари билан иш берувчиларнинг ахборот базалари ҳамда касбга ва мутахассисликка қайта тайёрлаш марказлари (ўқув марказлари, моно-марказлар, ИТ ўқитиш марказлари, ўқув курслари, тадбиркорлик курслари, бизнес акселераторлар)га йўналтиришнинг имкониятлари яратилиши лойиҳалаштирилган.

Ривожланган давлатлар (Испания, Италия, Австрия ва ҳ.к.), шунингдек, Россия Федерациясида юқорида санаб ўтилган маълумотларни тегишли давлат ва бюджет ташкилотлари, шу жумладан олий таълим муассасалари ўз фаолиятларида давлат бошқарув оранларидаги маълумотлар базаларига сервис даражасида маълумотларни алмашиш орқали ахборот тизимини интеграция қилишларига бемалол имкониятлар яратиб берилган. Тўғри, маълумотлар хавфсизлиги ва махфийлиги деган тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, аммо бу давлат бошқарув органлари маълумотлар базаларидан фойдаланиш мумкин эмас, деган фикрни англатмаслиги лозим. Рақамли технологияларнинг бу йўналишдаги имкониятлари маълумотларнинг ягона идентификация орқали давлат, бюджет ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятини рақамлаштириш жараёнини янада тезлаштиради. Демак, рақамлаштириш жараёнларининг тезлашиши ҳамда самарали тадбиқ этилишида бошқарув оранларидаги маълумотлар базаларига сервис даражасида маълумотларни алмашиш орқали ахборот тизимини интеграция қилишдаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларсиз юксалишга эришиб бўлмайди. Зотан бу технология халқимизга рақамли ахборот тизимидан фойдаланишнинг афзаллигини кенг тарғиб этиш ва таълим соҳасида рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ факультативларни кўпайтиришдек дадил қадамлар билан жадал кириб боришимизга кучли туртки бўлади, шу билан бирга ҳар қандай соҳанинг шаффофлик даражасини оширади, коррупция ҳолатларининг камайишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasu-28-12-2018>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidentishavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 сонли Фармони. <https://www.lex.uz/docs/3564970>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 қарори. <https://www.lex.uz/ru/docs/3806053>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4800657>

6. Мустафакулов Ш. Рақамли иқтисодиёт – янги Ўзбекистон тараққиётининг янги даври. “Рақамли иқтисодиёт: янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали ривожлантиришнинг янги босқичи”.